

ИМОМ БУХОРИЙНИНГ “АТ-ТАРИХ АЛ-КАБИР” АСАРИДАГИ “КУЧЛИ БЎЛМАГАН” РОВИЙЛАР ТЎҒРИСИДА

Имом Бухорийнинг “ат-Тарих ал-кабир” (“Катта тарих”) асари ҳадис илмларига оид кўплаб муҳим маълумотларни ўзида жамлагани билан муҳаддиснинг ислом оламидаги доврўғининг янада ортиши ҳамда бошқа муҳаддислар томонидан юксак эътирофга сазовор бўлишини таъминлаган дейиш мумкин. Жумладан, Имом Бухорий асарда ровийларнинг биографияларини баён этиш баробарида, уларнинг тўлиқ исмлари, кунялари, насаблари, нисбалари, табақалари, устоз ва шогирдлари, қилган ривоятлари ва бошқа кўплаб маълумотларни беради. Шу билан бирга, асарда ровийларнинг “жарҳ ва таъдил” нуқтаи назаридан даражалари ҳам баён этилган. Эътиборлиси, ровийларнинг айб-у нуқсонларини кўрсатувчи ва унинг даражасини белгиловчи жарҳ иборалари ҳам эҳтиёткорлик билан ишлатилган. Жумладан, қуйида ўрганиладиган “лайса бил-қавий” атамаси ҳам барча ўринларда муаллифнинг ўз қараши эмас, балки исми зикр этилмаган муҳаддислар томонидан қўлланилгани таъкидланган.

Асарда ровийларга нисбатан ишлатилган атамалар қаторида “лайса бил-қавий” (кучли эмас) атамаси ҳам мавжуд бўлиб, ровийларнинг саҳиҳ ҳадис ровийларига қўйилган шартларга жавоб бермаслигини англатади. Қуйида ушбу атаманинг маъноси, муҳаддислар наздидаги даражаси ҳамда Имом Бухорий томонидан ишлатилишидаги ўзига хослик очиб берилди.

“Лайса бил-қавий” (кучли эмас) атамаси жарҳ ва таъдил илмига хос бўлган атамалардан

ҳисобланиб, муҳаддислар томонидан ривоятлари саҳиҳ даражасига кўтарилмаган, шу билан бирга, заиф даражасига тушмаган ровийларга нисбатан ишлатилган. Бу ҳақда Ҳофиз Заҳабий: “(Баъзи) жамоалар ҳақида “лайса бил-қавий” дейилиб, уларнинг (ривоятлари) ҳужжат қилинади¹. Заҳабий ушбу фикрни исботлаш мақсадида Насоийнинг бир қанча ровийлар тўғрисида “лайса бил-қавий” деб таъкидлашига қарамай, китобида улардан ҳадис ривояти келтирганини зикр этади. Шунингдек, ушбу иборани ровийнинг ривоятини рад қилувчи, уни йўққа чиқарувчи жарҳ атамаларидан эмаслигини айтади.

Ҳадис истилоҳларига бағишланган асарларда мазкур атама турли муҳаддислар наздида турли даражадаги жарҳ атамаси ҳисоблангани тўғрисидаги қайдларни кўриш мумкин. Жумладан, Заҳабий “ал-Муқиза”да Абу Ҳотимнинг сабти кучли бўлмаган ровийларга нисбатан, Имом Бухорий эса, заиф ровийларга нисбатан ушбу атамани ишлатишганини таъкидлайди². Абу Ҳотим Розий томонидан ушбу атама ровийларга нисбатан ишлатилиши тўғрисида Ибн Абу Ҳотимнинг ривояти мавжуд бўлиб, унда Абу Ҳотим Иброҳим ибн Муҳожир Бажлий Куфий тўғрисида “лайса бил-қавий” дейди. Ибн Абу Ҳотим бу тўғрисида сўраганда, ушбу ровийнинг ростгўйлардан ҳисобланиб, ҳадиси ёзилиши, бироқ ҳужжат

¹ Қаранг: Заҳабий, Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад. Ал-Муқиза фий ғилм мусталаҳ ал-ҳадис. Ҳалаб: Мактаба ал-мағбуот ал-исламия, 1992. – Б. 82.

² Ўша асар. – Б. 83.

қилинмаслигини айтади. Ибн Абу Ҳотим “уни хужжат қилинмайди” иборасининг маъносини сўраганда, у: “Бир қавм бўлган эди. Улар ёдлашмас, ўзлари ёддан билмаган нарсаларни айтиб беришар (ривоят қилишар) ва чалкаштириб юборишар эди. Уларнинг ҳадисларида хоҳлаганингча “изтироб”ни кўришинг мумкин”, дейди³. Демак, Абу Ҳотим ушбу атамани хотираси заиф ва ривоятларида адаштириб юбориш ҳолатлари кўп учраган ровийларга нисбатан ишлатган. Ибн Абу Ҳотим “лайса би қавий” атамаси билан жарҳ этилган ровийларнинг даражасини “лайин ал-ҳадис” атамаси билан жарҳ этилган ровийлар даражасига тенглаштириб, уларнинг ривоятлари ёзилиши ва унга эътибор берилишини айтади⁴. Али ибн Мадиний ушбу атамани барча ривоятлари қабул қилинувчи ровийлар учун ишлатган бўлса, Дорақутний саҳиҳ ва заиф ўртасида, яъни ҳасан даражасидаги ровийлар учун ишлатган⁵. Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ушбу атамани саҳиҳ ҳадис ровийсига қўйилган шартларга жавоб бермайдиган ровийлар учун қўллаган⁶.

Юқорида Заҳабий томонидан билдирилган фикрга асосланган, Имом Бухорий “ат-Тарих ал-кабир”да “лайса бил-қавий” (кучли эмас) атамаси билан жарҳ этган ровийлар заиф ҳисобланиб, уларнинг ривоятлари хужжат сифатида қабул қилинмаслиги лозим бўлади. Ушбу хулосанинг асосли эканини текширишда, даставвал, асарда ушбу атама билан жарҳ этилган ровийларнинг муаллифнинг ровийлар илмига бағишланган бошқа икки асари: “ат-Тарих ал-авсат” (“Ўрта тарих”) ва “аз-Зуафо ас-сағир” (“Кичик заифлар”) да қандай ибора билан жарҳ этилганини текшириш лозим. Ушбу текшириш натижасида “лайса бил-қавий” бўлган куйидаги ровийлар аниқланди (жадвал).

³ Ўша асар. – Б. 133.

⁴ Қаранг: Ибн Абу Ҳотам, Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Идрис ибн Мунзир Тамимий Ҳанзалий Розий. Ал-Жарҳ ва ат-таъдил. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1953. – Ж. 2. – Б. 37.

⁵ Қаранг: Иброҳим ибн Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Мадийҳаш. Мусталаҳот аймма ал-ҳадис ал-хосса ва ялийҳи ал-қароин ал-мусила ила фаҳми мақосидихим фий ал-жарҳ ва ат-таъдил. – Б. 35.

⁶ Абдулҳай Лакнавий. Ар-Рофъу ва ат-такмил фий ал-жарҳ ва ат-таъдил. Ҳалаб: Матба ал-матбуот ал-исламийя, 1987. – Б. 154.

№	Ровий	Асардаги ўрни ва ишлатилган атама		
		Ат-Тарих ал-кабир	ат-Тарих ал-авсат	аз-Зуафо ас-сағир
1.	Ҳисом ибн Масик, Абу Саҳл, Басрий	3/135/457 “Лайса бил-қавий ындахум”	2/195/2275 “Юҳолифу фий ҳадисихи”	54/101 “Лайса бил-қавий ындахум”
2.	Сулаймон ибн Юсайр, Абу Саббоҳ, Куфий Нахайй	4/42/1904 “Лайса бил-қавий ындахум”		
3.	Саъд ибн Тариф Исфок Куфий	4/59/1956 “Лайса бил-қавий ындахум”	2/64/1810 “Лайса бил-қавий ындахум”	71/151 “Лайса бил-қавий ындахум”
4.	Сухайл ибн Михрон, Абу Ҳазм, Қутабий Басрий	4/106/2129 “Лайса бил-қавий ындахум”	2/167/2175 “Ла юто-биъ фий ҳадисихи”	72/158 “Лайса бил-қавий ындахум”
5.	Тариф ибн Шихоб, Абу Суфён, Ашл Уторидий	4/357/3134 “Лайса бил-қавий ындахум”		77/178 “Лайса бил-қавий ындахум”
6.	Абдулазиз ибн Ҳусайн ибн Таржумон, Абу Саҳл	6/30/1586 “Лайса бил-қавий ындахум”	2/200/2299 “Сақату ьанҳ”	88/232 “Лайса бил-қавий ындахум”
7.	Абдулғаффор, Абу Марям, Куфий Ансорий	6/122/1905 “Лайса бил-қавий ындахум”		
8.	Амр ибн Собит ибн Ҳурмуз, Ибн Абу Микдом, Абу Собит	6/319/2514 “Лайса бил-қавий ындахум”		100/269 “Лайса бил-қавий ындахум”

Жадвалдан маълум бўладики, асарда “лайс бил-қавий” атамаси билан жарҳ этилган ровийларнинг барчаси исмлари тилга олинмаган муҳаддислар томонидан “лайса бил-қавий” деб баҳоланган. Бундай ровийлар сони 8 та бўлиб, улардан 4 таси (50 %) “ат-Тарих ал-авсат”да, 6 таси эса (75 %) “аз-Зуафо ас-сағир”да такроран зикр этилган. “ат-Тарих ал-авсат”да такроран зикр этилган ровийларнинг 1 таси айна атама билан жарҳ этилган бўлса, 1 та ровийнинг “ҳадисида хилоф қилиши”, 1 та ровийнинг “ҳадисига эргашилмаслиги”, яна бир ровий тўғрисида эса муҳаддислар “сукут қилишган”ини кўриш мумкин. “аз-Зуафо ас-сағир”да эса, такрор зикр этилган 6 ровийнинг барчаси айна ибора билан жарҳ этилганини кўриш мумкин. Ҳар уч асарда ҳам жарҳ этилган ровийлар сони 4 тани (50%) ташкил этади.

Куйида ушбу 4 ровийдан ҳадис тўпламларида ривоятлар келганлиги кўриб чиқилади. Зеро, бу орқали Имом Бухорий томонидан жарҳ этилган ровийлардан, аввало, унинг ўзи,

сўнг бошқа муҳаддислар томонидан ривоятлар қабул қилишган ёки қилишмаганини билиш ва ушбу атаманинг Имом Бухорий наздидаги даражаси аниқлаш мумкин.

Ҳисом ибн Мисак Абу Саҳл Басрий ҳар уч асарда ҳам жарҳ этилган бўлса-да, ҳадис тўпламларида ундан бир нечта ривоятлар келганини кўриш мумкин. Жумладан, Имом Термизийнинг “Сунан”ида ўлим вақтининг шиддати тўғрисидаги бобда ундан 1 та ривоят келтирилган⁷. Ибн Абу Шайбанинг “Мусаннаф”ида ҳам ундан “Шеърға рухсат” бобида бир ривоят келтирилади⁸.

Саъд ибн Тариф Искоф Куфий мазкур гуруҳдаги ровийлар ичида ҳар уч асарда ҳам айна ибора билан жарҳ этилган ягона ровий бўлиб, Термизийнинг “Сунан”ида “Рўздорнинг туҳфаси” бобида ундан 1 та ривоят келтирилиб, ушбу ҳадиснинг “ғариб” экани ҳамда исноддаги Саид ибн Тариф ва Умайр ибн Маъмунлар “заиф” экани таъкидланган⁹. Ҳоким эса, икки шайх шартларига жавоб берувчи, аммо уларга киритилмаган ҳадислар жамланган “Мустадрак”да ундан 2 та ривоят келтиради¹⁰.

Абу Ҳазм Суҳайл ибн Михрон Кутаъий Басрий ҳам ушбу гуруҳдаги ровийлардан бўлиб, ҳадис тўпламларида ундан ҳам бир нечта ривоят келганини кўриш мумкин. Жумладан, Абу Довуднинг “Сунан”ида ундан 1 та ривоят келтирилган¹¹. Насоийнинг “Сунан”ида ҳам ҳам ундан ривоят келтирган¹².

Абу Саҳл Абдулазиз ибн Ҳусайн ибн Таржумон ушбу гуруҳдаги ровийларнинг сўнггиси бўлиб, олти саҳиҳ тўпламларда ундан ривоятлар келтирилмаган бўлса-да, бошқа тўпламларда бир нечта ривоятлар келтирилганини

кўриш мумкин. Жумладан, Ҳокимнинг “Мустадрак”ида ундан 1 та ривоят келтирилиб, ровийнинг сиқа эканини, аммо икки шайх ундан ҳадис келтиришмагани таъкидланади¹³.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, “лайса бил-қавий” атамаси дастлабки давр муҳаддислари, яъни Имом Бухорий ва Имом Муслимлар наздида саҳиҳ ҳадис ровийсига қўйилган шартларга жавоб бермаганидан ушбу атама билан жарҳ этилган ровийлардан ўз тўпламларида ривоятлар келтиришмаган. Имом Термизий ва бошқа муҳаддислар эса, ушбу ровийларнинг ривоятларини ўрганиб, уларнинг барча ривоятлари ҳам заиф эмаслиги, балки ушбу ровийлардан қилинган ривоятларни текшириб кўрган ҳолда қабул қилиш мумкинлигини таъкидлашган.

Имом Бухорий наздида “лайса бил-қавий” атамаси жиддий жарҳни англатмайди. Буни муҳаддис томонидан ушбу иборанинг синоними сифатида ишлатиш мумкин бўлган “заиф”, яъни “кучсиз” сўзининг ишлатилмаслиги ва айнан “кучли эмас” ибораси танлангани ҳам тасдиқлайди. Демак, саҳиҳ шартларига жавоб бермагани сабабидан ушбу ровийларнинг ривоятлари “ҳасан” атамаси Имом Термизий томонидан истеъмолга киритилгунга қадар тарк этилган.

¹³ Қаранг: Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустадрак ʼала ас-Саҳиҳайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 1. – Б. 63.

⁷ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 2. – Б. 300.

⁸ Қаранг: Ибн Абу Шайба, Абу Бакр ибн Абу Шайба. Ал-Китаб ал-мусаннаф фий ал-аҳадис ва ал-осор. Риёз: Мактаба ар-Рушд, 1989. – Ж. 5. – Б. 272.

⁹ Термизий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо. Сунан. Миср: Мустафо Бобий Ҳалабий, 1975. – Ж. 2. – Б. 156.

¹⁰ Қаранг: Ҳоким Найсобурий, Абу Абдуллоҳ Ҳоким Муҳаммад ибн Абдуллоҳ. Ал-Мустадрак ʼала ас-Саҳиҳайн. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1990. – Ж. 3. – Б. 455; – Ж. 4. – Б. 357.

¹¹ Абу Довуд, Сулаймон ибн Ашъас Ибн Исҳоқ Аздий Сижистоний. Сунан Абу Довуд. Дор ар-рисола ал-оламийя, 2009. – Ж. 3. – Б. 320.

¹² Қаранг: Насоий, Аҳмад ибн Шуайб ибн Али Хурсоний Насоий. Ас-Сунан ал-кубро. Байрут: Муассаса ар-рисола, 2001. – Ж. 7. – Б. 286.

